

## Энг афзал салавот

Image not found or type unknown



12:37 / 28.08.2024 8844

يَلَعَّوْ دَمْحُم يَلَعَّ لَصَّ مُهَلْ لَ  
يَلَعَّ تَيْ لَصَّ أَمَكِ دَمْحُم لَ آ  
مِي هَارْبِ لَ لَ يَلَعَّ وَ مِي هَارْبِ  
مُهَلْ لَ لَ \* دِي جَمُ دِي مَحَ كُنَا

لَا يَلْعَ وَدَّمَ حُمَّ يَلْعَ كِرَابِ  
يَلْعَ تَكِرَابِ أَمَّ كِ دَّمَ حُمَّ  
مِ هَارِبِ لَا يَلْعَ وَ مِ هَارِبِ  
. دِي جَمُّ دِي مَحَّ كِنِ

Аллоҳумма, солли ъала Муҳаммадин ва ъала али Муҳаммад, кама соллайта ъала Иброҳийма ва ъала али Иброҳийм, иннака Ҳамийдум-Мажийд.  
Аллоҳумма барик ъала Муҳаммадин ва ъала али Муҳаммад, кама барокта ъала Иброҳийма ва ъала али Иброҳийм, иннака Ҳамийдум-Мажийд.

Маъноси: Аллоҳим! Ҳазрати Муҳаммадга ва ҳазрати Муҳаммаднинг оилалари (аҳли)га салот (раҳмат) айла, мисли Иброҳимга ва ул зотнинг оилалари (аҳли)га салот (раҳмат) айлаганингдек! Албатта Сен ҳамдга лойиқсан, шарафи буюк Зотсан. Аллоҳим! Ҳазрати Муҳаммадни ва ҳазрати Муҳаммаднинг оилалари (аҳли)ни муборак қил, мисли Иброҳимни ва ул зотнинг оилалари (аҳли)ни муборак қилганингдек! Албатта Сен ҳамдга лойиқсан, шарафи буюк Зотсан.

*(Бухорий, «Анбиё», 10, р. 3370. Қаранг: Муслим, «Салот», р. 66-69; Абу Довуд, «Салот», 183, р. 976-979; Термизий, «Салот», 351, р. 483; «Тафсийрул-Қуръон», 34, р. 3220; Насоий, «Саҳв», 49-54, р. 1285-1294; Ибн Можа, «Салот», 25, р. 903-906; «Муватто», «Қасрус-салот», р. 66-67; Аҳмад ибн Ҳанбал, IV, 241, р. 18105.)*

«Малавон» салавати олтмиш минг, «Баҳри анвор» салавати юз минг даражага эга эканини ўйласак, севиқли Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари ўз муборак лафзлари билан билдирган ва барча ҳадис китобларида келган бу салавати шарифнинг даражаси нечоғ юксак эканлигини англаймиз. Бу муборак салавотнинг ҳар намозда айтилиши бежиз эмас.

Бунинг бошқа қисқароқ шакли ҳам бўлиб, уни Заҳируддин Муҳаммад Бобур «Мубайян» асаарида келтирганлар:

Аллоҳумма солли ѓала Муҳаммадин ва барик ѓала Муҳаммадин ва ѓала али Муҳаммад, кама соллайта ва барокта ва салламта ѓала Иброҳийма ва ѓала али Иброҳийм, Роббана, иннака Ҳамийдум-Мажийд.

Маъноси: Аллоҳим! Ҳазрати Муҳаммадга ва ҳазрати Муҳаммаднинг оилалари (аҳли)га салот (раҳмат) айла, ҳазрати Муҳаммадни ва ҳазрати Муҳаммаднинг оилалари (аҳли)ни муборак қил, мисли ҳазрати Иброҳимга ва ул зотнинг оилалари (аҳли)га салот (раҳмат) айлаганингдек ва муборак қилганингдек! Албатта, Сен ҳамдга лойиқсан, шарафи буюк Зотсан.

Аҳли суннат вал-жамоа мазҳабида бу салавот мавжуд, аммо ҳазрати Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ намозда юқоридаги салавотни, яъни биринчисини айтишни таржиҳ этганлар.

### **«Энг гўзал салавотлар» рисоласидан**

Ушбу рисола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 29 октябрь 03-07/6661-сонли хулосаси асосида чоп этилган.